

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ПЕРСОНАЛНИ БОШҚАРИШНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ АҲАМИЯТИ ВА ТАМОЙИЛЛАРИ

*СамДУ ассистентлари Шарифов Шухрат Саидахмадович.,
СамДУ ассистенти Бобокулов Санжар Баҳромкулович.,
СамДУ магистранти Абдураимов Дилишод Муродкулович.*

Мазкур мақолада олий таълим тизимида персонални бошқаришнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти ва тамойиллари аниқланиб, уларда рақобатбардош юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг сифат кўрсаткичларини ошириш механизмлари тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: олий таълим тизими, тамойил, педагог-кадрлар, малакали мутахассислар, таълим соҳасидаги сиёсат, рақобатбардош кадрлар.

Принципы и социально-экономические значения управления персоналом в системе высшего образования.

В данной статье определены социально-экономические значения управления персоналом в системе высшего образования, а также исследовано механизмов повышения качественных показателей подготовки конкурентоспособных кадров.

Ключевые слова: система высшего образования, принципы, педагогические кадры, квалификационные специалисты, политика в системе образования, конкурентоспособные кадры.

Social-economic importance and principles of management of personnel in the system of higher education

Social-economic importance and principles of management of personnel in higher education system are identified in the given article; mechanisms of increasing the quality indicators of training of highly qualified specialists by management of higher education institution are provided

Keywords: system of higher education, principle, teachers, qualified specialists, education policy, competitive specialists.

Мамлакатимизда бозор муносабатларини самарали ривожлантириш энг аввало инсон ресурсларидан унумли фойдаланишга боғлиқ. Республикаимизнинг таълим соҳасида ўзига хос сиёсати мавжуд бўлиб, у асосан ўқув юртларини ҳамда уларда кадрларни тайёрлашни ривожлантиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлардан иборатдир.

Ҳар қандай мамлакатнинг ўрни ва рақобатбардошлиги нафақат миллий иқтисодиётнинг ривожланиш даражаси, балки жамият тарақиётининг ижтимоий ривожланиш ҳолатига ҳам боғлиқдир. Бугунги кунда дунё мамлакатларида жамиятнинг ижтимоийлашув жараёни юз бермоқда, бу эса ўз навбатида жамият аъзоларининг таълим жараёнига иштироки орқали амалга оширилади. Шу муносабат билан Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек: “Таҳлилнинг асосий таркибий қисмларидан бири инсон капиталини

ривожлантириш даражаси бўлиб, мазкур кўрсаткич бўйича бизнинг мамлакатимиз 35-ўринни эгаллаган. Таълим тизимини ривожлантириш даражаси бўйича эса Ўзбекистон – шунга эътибор беринглар – дунёнинг 141 мамлакати орасида иккинчи ўринни банд этган”¹.

Республикамиз олий таълим муассасаларида персонални бошқариш самарадорлигини ошириш билан боғлиқ таълим тизимининг барча соҳаларидаги туб ислохотлар жамиятни демократлаштириш ва мамлакатни модернизациялаш борасида олиб борилаётган ислохотлар билан узвий боғлиқликда амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда иқтисодий диверсификациялаш ва замонавий иқтисодиёт тармоқларини модернизациялаш жараёнида олий маълумотли юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш масалалари алоҳида аҳамият эга бўлиб, педогогик-кадрлар фаолиятини бошқариш жараёнини такомиллаштириш асосида олий таълим тизимини ривожлантириш босқичлари энг аввало меҳнат бозорининг талаблари асосида шаклланимоқда ва шунга кўра турли касбдаги замонавий мутахассисларни тайёрлаш зарурияти пайдо бўлмоқда.

Иқтисодий модернизациялаш шароитида жамият бир қатор муаммоларга юз тутиши кутилмоқда, булардан юқори малакали ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш, инсонларни, хусусан ёшларни ижодий қобилиятларидан максимал фойдаланиш, мамлакат ривожини аҳолининг турмуш даражасини ошириш каби вазифаларга эришиш мақсадида миллий иқтисодий кадрлар таркибини яратиш масаласига урғу бериш мақсадга мувофиқдир.

Ҳозирги даврда мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг асосий диққат эътибори илмий-техника ва фан сифими юқори бўлган тармоқларни ривожлантиришга қаратилмоқда. Шу сабабли, республикамиз таълим тизимида ёш авлодни тарбиялашда янгича ёндашувни ва янгича вазифаларни бажаришни талаб этмоқда. Ҳозирда олий таълим муассасаларининг асосий фаолияти ёшларга, илмий-техник, ижодий, инновацион, ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ҳал қила оладиган олий касбий таълим беришга йўналтирилган.

Маълумки, олий таълим ислохотлари – энг аввало рақобатбардош мутахассисларни тайёрлаш ва меҳнат бозорига йўналтирилгандир. Президентимиз И.А.Каримовнинг “Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”¹ги қарори мамлакатимиз таълим ва тарбия тизимини янги, юксак босқичга кўтариб,

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2012-йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи. 2013 йил 19 январ сони.

¹ Каримов И.А. “Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида” // Халқ сўзи. – №100(5267), – 21 май 2011 й.


соҳадаги ислоҳотлар изчиллигини таъминлашда ҳал қилувчи қадам ҳисобланади. Шу жиҳатдан педагогик-кадрлар фаолиятининг асоси ҳисобланган дарс жараёнининг сифатини тубдан яхшилаш мақсадида энг замонавий илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларига асосланган аудиторияларда мультимедияли воситалар, электрон доскалар, ясси экранли симметрия шаклида қўйилган телевизорлар, аудио-видео, лингафон ускуналар, замонавий проекторлар комплекси ва дарсларнинг спецификациясига мос замонавий кўргазмали қуроллар билан жиҳозланган бўлиши керак.

Инновацион иқтисодиётнинг ривожланиши шароитида олий таълим муассасалари ривожланишининг асосий мезони бўлиб, тайёрланаётган мутахассислар сифат таркибини такомиллаштириш ҳисобланади. Бу эса олий таълим муассасаларида мутахассисларни тайёрлаш жараёнида персонални (педагогик-кадрларни) бошқариш тизимини такомиллаштиришни талаб этади.

Бозор иқтисодиёти, кескин рақобат шароитларида олий таълим муассасаларининг мувоффақиятли фаолият кўрсатиши унинг жамоаси, педагогик-кадрлар малакаси, билим ва тажрибаси, ташаббускорлиги, интизомлилиги ва маъсулиятига боғлиқ бўлади. Бозор муносабатлари анча илгари шаклланган мамлакатларда ташкилот ва муассаса персоналларида бу ва бошқа сифатларни қарор топтириш ва ривожлантиришга бошйарувни такомиллаштириш бошқарувни такомиллаштириш ҳисобига эришилиши кўпдан буён яхши маълум.

Жамиятни ривожлантиришдаги замонавий тамойиллар юқори сифатли касбий билимга эга бўлиш имкониятини яратишнинг тубдан янги босқичига ўтишни талаб қилади. Дунё аҳолиси ўртасида кам таъминланганликни бартараф этишдан бошлаб то барқарор инсоний ривожланишгача бўлган глобал муаммоларни ҳал этиш мақсадида билимлар яратиш ва алмашишда олий мактабнинг ўрни муҳимдир.

Олий таълим муассасалари мамлакат ривожланишига хизмат қилади. Интеллектуал ресурсларнинг юксак даражасига асосланувчи технологияларнинг тараққий этиши ва ушбу ресурсларга эгалик қилишни истаган давлатларнинг рақобати XXI асрда нафақат иқтисодий томондан, балки ижтимоий ва сиёсий юксалишнинг асосий омили бўлиб хизмат қилмоқда. Дунё мамлакатларидаги энг юқори рейтингга эга олий таълим даргохларини қараб чиқадиган бўлсак (1.2-расм), уларнинг барчаси ривожланган давлатлар ҳудудида жойлашган ва таъкидлаш лозимки, бу университетлар ўз мамлакатларининг дунё ҳамжамиятидаги ўрнини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.



1.2-расм. Энг юқори рейтингга эга университетларнинг ҳудудий жойлашуви

Манба: “Таймс” журнали. Салми, Джамиль. Создание университетов мирового класса / Джамиль Салми; пер. с англ. – М.: Издательство «Весь Мир», 2010. –132 с.

Улар томонидан тарбияланган мутахассисларга меҳнат бозорида юқори талаб бўлиши билан бирга, дунё аҳамиятига эга кашфиётлар ва тадқиқотлар салмоқли улуши айнан ушбу университетларга тўғри келади.

Инновацион иқтисодий шароитида олий таълим муассасаларида персонални бошқаришни илмий асосда йўлга қўйишнинг аҳамияти беқиёсдир. Кўп йиллик тадқиқотлар ҳозирги шароитда иқтисодий ўсишнинг қарийб 80 фоизини персонал: персонал меҳнати, малакаси, изланувчанлиги, салоҳияти ташкил этишини, 20 фоизини эса бошқа барча омиллар таъминлашини кўрсатади. Шунинг учун ҳам ҳар қандай фаолиятда инсон омили ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

Олий таълим тизимида персонални бошқариш алоҳида ходим ва умуман масса манфаатларини таъминлаш мақсадида инсон салоҳиятидан самарали фойдаланишга қаратилган ташкилий, ижтимоий-иқтисодий, психологик, ахлоқий ва ҳуқуқий муносабатлар тизимидир. Персонални бошқаришнинг асосий функцияларини ўзида акс эттирувчи тўрт таркибий қисм мавжуддир:

1. Персонални танлаш.
2. Персонални ривожлантириш.
3. Персонални баҳолаш.
4. Персонални рағбатлантириш.

Олий таълим муассасаларида (ОТМ) персонални бошқариш қуйидаги тамойилларга асосланади:

1. Персонални режалаштиришни ОТМни ривожлантириш стратегияси билан узвий алоқасини таъминлаш.

2. Персонал харажатларини миқдорий баҳолаш ва унинг муассаса иқтисодий кўрсаткичларига таъсири.

3. Меҳнат бозорида самарали иш олиб бориш учун зарур компенсацияларни аниқлаш.

ОТМда персоналга раҳбарлик бошқарув функцияси сифатида бошқа барча функцияларни ягона бирликка бирлаштириши, мувофиқдаштириши, ўзаро боғлаши, интеграция қилиши керак. Бунга персонал билан ишлаш тамойилларини амалга ошириш орқали эришилади.

Раҳбар персонални бошқарар экан, ўзига бўйсунувчиларга фақат буйруқ бериш билан чекланмасдан, улар куч-ғайратларини аниқ мақсадга йўналтириб туриши, ўз салоҳиятларини намоён эта олишларига кўмаклашиш атрофида маслақдошларини бирлаш-тириши, яъни персоналга раҳбарлик қилиш тамойилларидан фойдаланабилиши зарур. Бу куйидагиларни ўз ичига олади:

- ҳар бир ходимга у бажарадиган иш учун масъулиятни юклаш;
- ҳар бир ходим кимга бўйсунуши ва кимдан топшириқ олишини билиши керак;
- персонални бошқариш мақсади. Замонавий раҳбарлик белгиланган мақсадга эришиш учун персонал ва маъмурият ҳамкорлигини назарда тутди;
- раҳбарнинг бевосита иштироки. Бутун педагогик ходимлар жамоасига бош бўлган биринчи раҳбар янгиликларни жорий этиш, ўқув жараёнини такомиллаштириш ва бошқа масалаларда шахсан иштирок этиши шарт;
- мувофиқлик. Кадрлар сиёсати кўзланган мақсадга, тегишли мезонларга мувофиқ бўлиши керак.

Инсон ресурсларидан ОТМ ва ходим манфаатларини мувофиқлаштирган ҳолда фойдаланишни таъминлайдиган шахсни ривожлантириш устуворлигини эътироф этиш персонални бошқаришнинг энг асосий тамойилидир. Ушбу тамойилни амалга оширишда муассасага ишчи кучи истеъмолчиси сифатидаги қараш нуқтаи назари ўзгаради.

Персонал тўғрисида кенг кўламли ахборот тўплашга қаратилган услублардан турли шаклларда фойдаланиш мумкин. Аммо, бу услублардан фойдаланишда албатта, куйидаги тамойилларга риоя қилиш керак:

1. Мувофиқлаштириш, меъёрлаш, маъмурий чоралар (раҳбарлик ваколатларидан фойдаланиш), йўриқнома, рухсат бериш.

2. Иқтисодий рағбатлантириш, мукофотлаш, фойда тақсимоотида иштирок, ижтимоий тўловлар, молиялаш, персонал учун харажат-ларни таҳлил этиш, иқтисодий мезонларга қараб баҳолаш, кредитлаш.

3. Персонал маркетинги, меҳнат фаолиятини ташкил этиш, режалаштириш, прогнозлаш, мавжуд, тарихан таркиб топган кадрлар бошқармаси тизимини таҳлил этиш.

4. Ижтимоий-психологик қизиқтириш, ишонтириш, тарбиялаш, амалий ва шахсий хислатларини баҳолаш, аттестациядан ўтказиш, ижтимоий масалалар, можаролар ва танглик ҳолатларни ҳал этиш, мослаштириш, касбга йўналтириш, шахсийлаштириш.

5. Ҳуқуқий-профessional химоя, шартномалар тузиш ва уларга амал қилинишини текшириш, ҳуқуқий рухсат бериш ва мувофиқлаштириш.

Умуман олганда персонални ўрганишнинг замонавий услублари, биринчидан, ходимлар салоҳиятини аниқлаш учун уларнинг шахсий хислатлари ва

қобилиятларини, иккинчи томондан ОТМни ривожлантириш истикболлари ҳамда иш фаолиятининг янги йўналишларини ҳисобга олган ҳолда персоналга қўйиладиган миқдор ва сифат талабларини ўрганишни талаб қилади.

Персонални бошқаришнинг “юқоридан қуйига” тизими кадрларни танлаш, баҳолаш, рағбатлантириш ва ривожлантириш бўйича қарор қабул қилишни марказлаштиради. Бошқарувнинг “қуйидан юқорига” тизими эса қарор қабул қилишни барча даражалар бўйича тақсимлайди. Персонални бошқаришни ташкил этишда ижро масъулияти гуруҳга ёки шахсга юклатилиши муҳим аҳамиятга эгадир.

Бугунги кунда таълим муассасалари ўз дастурларини меҳнат бозори талабларига мослаштиришга ҳаракат қилишмоқда. Шу сабабли ўқув дастурларига талабаларнинг дунёқарашини кенгайтирувчи қўшимча машғулотлар киритишни ўз олдига мақсад қилиб белгилашган. Бу битирувчиларни янги иш жойларида мустақил билим олишга, янада қийин ва мураккаб касбларни эгаллашга, малакаларини оширишга хизмат қилади.

ОТМлар тайёрланаётган ҳар бир мутахассисга ижтимоий буюртма бўлишини таъминлашни ўз олдига вазифа қилиб белгилаши мақсадга мувофиқдир. Бу ишларни амалга ошириш ОТМлар ўртасида рақобатни кучайтиради ва амалга ошираётган ишларига қараб илғор ўқув юртлари пайдо бўлади, бу эса ўз навбатида, кадрлар сифатини оширишга хизмат қилади.

Ёш мутахассисларда замонавий ва инновацион билимли қилиб тарбиялаш масаласи ҳам долзарблиги билан ажралиб туради. Аммо инновацион таълим ҳақидаги концепциялар мужассамлашган ҳолда тақдим этилмаслик ҳолатларига ҳам дуч келмоқдамиз. Бунинг учун ўқитиш услуби ва таълим дастурларини амалиёт ҳамда илмий тадқиқотлар натижаларига кўра такомиллаштирилиши мақсадга мувофиқдир.

Юқорида келтирилган фикр ва мулоҳазалардан шундай хулоса қилиш мумкинки, иқтисодийни модернизациялаш шароитида республикамызда таълим ислохотлари устивор масалалардан бирига айланган бир вақтда ОТМларда рақобатбардош юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг сифат кўрсаткичларини ошириш ҳамда кадрлар тайёрлашнинг самарали йўллари аниқлаш тизимда персонални бошқариш усуллари ва тамойиларини такомиллаштиришни зарурат этади.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2012-йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи. 2013 йил 19 январ сони.
2. Каримов И.А. “Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан

яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида” // Халқ сўзи. – №100(5267), – 21 май 2011 й.

3. Салми, Джамиль. Создание университетов мирового класса / Джамиль Салми; пер. с англ. – М.: Издательство «Весь Мир», 2010. –132 с.